



**ИЖТИМОЙ ДАВЛАТДА ЭХТИЁЖМАНД ТОИФАДАГИ АХОЛИ  
ҚАТЛАМЛАРИГА САМАРАЛИ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12094576>

**Толибов Бекзод Ҳакимович**

*Фарғона давлат университети*

*Ижтимоий иши кафедраси мудири,*

*Социология фанлари бўйича*

*фалсафа доктори PhD*

*email: bekzod-tolibov@mail.ru*

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда мазкур фаолият юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича таҳлил қилинган. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимоий хизмат кўрсатиш масалаларини ўрганиш ва унинг ҳолатларини янада яхшилаш имкониятлари юзасидан турли фан намоёндалари томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда инновацион ёндашув асосида ривожланган хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибаларидан фойдаланиш, ижтимоий хизматларни ташкилий механизмларини тизимли тартибга солиш ва такомиллаштириш, бу борада зарур имкониятларни яратишга қўмаклашадиган социологик илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Калит сўзлар**

ижтимоий хизмат, эҳтиёжманд, инновация, ногиронлиги бўлган шахс,  
тадқиқот, имтиёз, субсидия, ёрдам.

**АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ ЭФФЕКТИВНОГО  
СОЦИАЛЬНОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ СОЦИАЛЬНО НЕЗАЩИЩЕННЫХ  
СЛОЕВ НАСЕЛЕНИЯ В УСЛОВИЯХ СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА**

**Толибов Бекзод Ҳакимович**

*Ферганский государственный университет*

*Заведующий отделом социальной работы,*

*В области социологии*

*доктор философии PhD*



## АННОТАЦИЯ

В статье представлен всесторонний анализ реформ, проводимых в нашей стране в сфере предоставления социальных услуг социально незащищенным слоям населения, а также опыта зарубежных стран в этой деятельности. Различными деятелями науки были проведены исследования по вопросам социального обслуживания обездоленных слоев населения и возможности дальнейшего улучшения их условий. При совершенствовании системы социального обслуживания важно использовать передовой опыт развитых зарубежных стран на основе инновационного подхода, систематически регулировать и совершенствовать организационные механизмы социального обслуживания, проводить социологические научные исследования, способствующие созданию необходимых возможностей в этом плане.

### Ключевые слова

социальное обслуживание, неимущие, инновации, инвалид, исследование, привилегия, субсидия, помощь.

## TOPICAL ISSUES OF ORGANIZING EFFECTIVE SOCIAL SERVICES FOR SOCIALLY VULNERABLE SEGMENTS OF THE POPULATION IN A WELFARE STATE

**Tolibov Bekzod Hakimovich**

*Ferghana state university*

*Head of the Social Work Department,*

*In the field of sociology*

*Doctor of Philosophy PhD*

*email: [bekzod-tolibov@mail.ru](mailto:bekzod-tolibov@mail.ru)*

## ANNOTATION

The article presents a comprehensive analysis of the reforms carried out in our country in the provision of social services to socially vulnerable segments of the population, as well as the experience of foreign countries in this activity. Various scientists have conducted research on social services for disadvantaged segments of the population and the possibility of further improvement of their conditions. When improving the social service system, it is important to use the best practices of developed foreign countries on the basis of an innovative approach, systematically regulate and improve the organizational mechanisms of social



services, conduct sociological research that contributes to the creation of the necessary opportunities in this regard.

### Keywords

social service, the poor, innovation, disabled person, research, privilege, subsidy, assistance.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд аҳоли қатлами ҳисобланган ногиронлиги бўлган инсонлар шахсларни таълимга жалб этиш ва манзилли ижтимоий хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Кейинги йилларда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бизнинг барча иқтисодий ва ижтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойихаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида айнан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди». [1] Ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда инновацион ёндашув асосида ривожланган хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаларидан фойдаланиш, ижтимоий хизматларни ташкилий механизmlарини тизимли тартибга солиш ва такомиллаштириш, бу борада зарур имкониятларни яратишга кўмаклашадиган социологик илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 мартағи ПФ-6195-сон «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сон «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 мартағи ПҚ-5038-сон «Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ-57-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаолигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси



Президентининг 2023 йил 1-июлдаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли ислоҳотларни изчил амалга оширилишида ва янги босқичга оли чиқишида муайян даражада хизмат қиласди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимоий хизматлар қўрсатишда таълим жараёни муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги қонунининг ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари деб номланган 24-моддасида, алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишига муҳтож бўлган болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади». [2] Орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтиб ушбу қонун замон талабларига мослаштириш мақсадида 2020 йил 23 сентябрда янги таҳрирда «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги қабул қилинди. [3] Агар ижтимоий хизматлар нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, янги таҳрирдаги қонуннинг 20-моддаси инклузив таълим тушунчаси киритилиши, 56-моддасида эса ижтимоий реабилитацияга муҳтож бўлган болаларни (шахсларни) ўқитиш ва тарбиялашга оид нормалар киритилган. 56-моддадаги нормалар олдинги қонундаги 24-моддани янада тўлдирганини кўриш мумкин. Бундан ташқари 1997 йилда қабул қилинган қонун жами бўлиб 34 та моддани ўз ичига олган бўлса, 2020 йилда қабул қилинган қонун 75 та моддадан иборат бўлган. Кўриниб турибдики, янги таҳрирдаги қонунда қўшимча яна 41 та модда киритилган. Албатта, бу ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳадаги янгиланишлар ва ислоҳотлар натижасининг яққол намунаси деб таърифлаш мумкин.

Дунё миқёсида бугунги кунда аҳолининг эҳтиёжманд қатламига мансуб кексалар, ногиронлиги бор шахслар, етим болалар, мигрантлар, қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган инсонлар ҳамда аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари сони жадал суръатлар билан ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. Маълумотларга қўра, «дунё аҳолиси 8 миллиардга яқин, уларнинг деярли учдан бирини яъни 33.2%ни ижтимоий эҳтиёжманд бўлган аҳоли қатламлари ташкил этмоқда». Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари сонининг ўсиши давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига катта таъсир кўрсатади. Шу боис аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари учун



ижтимоий хизматларни ташкил этиш ва мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш, ижтимоий хизматларни замонавий усуллар билан уйғунлаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари учун ижтимоий хизматларни ташкил қилиш ва амалга ошириш механизмларни такомиллаштириш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада турли ёш тоифаларига мансуб эҳтиёжманд аҳолини потенциал қўллаб-қувватлаш коэффициентини яхшилаш, жойларда ижтимоий ҳимоянинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги, шахс хаёти давомидаги касалликлар, қашшоқлик, тенгсизлик ва ижтимоий заиф инсонларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, болалар ва уларнинг оиласаларининг ижтимоий ва иқтисодий заифлигини олдини олиш ва бартараф этиш, жамиятнинг табакалашув жараёнларида хотин-қизлар ва ёшларнинг таълим олиш имкониятлари, миграция ва эҳтиёжманд хотин-қизлар ва ёшларга ижтимоий хизматлар каби йўналишларда эҳтиёжманд аҳоли қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд аҳоли қатлами ҳисобланган кексалар, ногиронлиги бўлган инсонлар шахслар, етим ва ижтимоий етим болалар, кўп болали ва кам даромадли оиласалар, ишсизлар, «Темир дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган аҳолига манзилли ижтимоий хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Кейинги йилларда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бизнинг барча иқтисодий ва ижтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойихаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида айнан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди». Ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда инновацион ёндашув асосида ривожланган хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаларидан фойдаланиш, ижтимоий хизматларни ташкилий механизмларини тизимили тартибга солиш ва такомиллаштириш, бу борада зарур имкониятларни яратишга қўмаклашадиган социологик илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.



---

**ИҚТИБОСЛАР/СНОКИ/REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йилинига бағишенган тантанали маросимдаги нутқи. «Халқ сўзи», 2019 йил 1 сентябрь. № 180.

2. Ўзбекистон Республикасининг таълим тұғрисидаги қонуни.  
<https://parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/94/3277/>

3. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг таълим тұғрисида »ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>